“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Тошкент шаҳар статистика бошқармаси бошлиғи
_____Д.Шерматов
“16” декабрь 2017 йил

Тошкент шаҳар статистика бошқармасининг Статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлар бўлими тўғрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Тошкент шаҳар статистика бошқармаси Статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлар бўлимининг (кейинги ўринларда бўлим деб аталади) мақоми, асосий вазифа ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, унинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Бўлим Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3165-сонли қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Тошкент шаҳар статистика бошқармасининг (кейинги ўринларда бошқарма деб аталади) бўлими ҳисобланади.

3. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат статистикаси тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонунларга, Олий Мажлиснинг норматив қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, Давлат статистика қўмитасининг буйруқлари, қарорлари, топшириқлари ва кўрсатмаларига, “Тошкент шаҳар статистика бошқармаси тўғрисида”ги Низомга, мазкур Низомга, шунингдек бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

4. Бўлим статистика фаолиятини ташкил этиш ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлар бўйича бошқарманинг тармоқ ва туман статистика бўлимлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Бўлим ўз фаолиятини бошқарма бошлиғи раҳбарлигида амалга оширади.

Бўлим ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Тошкент шаҳар статистика бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосарига бўйсунади.

2-боб. Бўлимнинг вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) бошқарма ва туман статистика бўлимларида ягона сиёсатни ишлаб чиқиш ва бажариш, статистикани ташкил қилишнинг самарали тизимини таъминлаш ва давлат статистикаси соҳасида мувофиқлаштириш ва функционал тартибга солиш соҳасида:

Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, бошқарманинг иш режаларини ўз вақтида шакллантирилишида иштирок этади;

статистик маълумотлар фойдаланувчилари талабини ўрганган ҳолда узоқ муддатли мақсадлар ва йўналишлар бўйича статистик кўрсаткичларни жорий этиб бориш;

бошқарма ва туман статистика бўлимлари фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш, таклифларни амалда рўёбга чиқаришда иштирок этиш;

юклатилган асосий функциялар бўйича бошқарма ва туман статистика бўлимларида бажарилаётган ишлар ҳолатини доимий таҳлил этиб бориш ва натижалари бўйича тезкор ахборотларни мунтазам равишда бошқарма раҳбариятига киритиб борилишини таъминлаш;

б) халқаро стандартларга жавоб берадиган ягона статистик услубиётни ва давлат статистика кузатув шаклларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва жорий этиш соҳасида:

макроиқтисодий, тармоқ ва туман даражаларда ўрганилаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг қамровини кенгайтиришга қаратилган статистика маълумотларини йиғиш ва қайта ишлашнинг замонавий методологияси ва методикаларини кенг жорий этиш йўли билан статистик кузатувлар тизимини умум қабул қилинган халқаро амалиётга янада мослаштириш бўйича таклифлар бериш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида амалга ошириладиган давлат ва идоравий статистика кузатувлари тизимини мақбуллаштириш, танланма статистика кузатувлари сонини ва натижаларининг ишончлилигини босқичма-босқич ошириш бўйича ишларни ташкил қилиш, идоравий статистика кузатувлари шаклларини ишлаб чиқишда давлат статистика қўмитасига таклифлар бериш;

жамият эҳтиёжларига мувофиқ статистика соҳасидаги илғор хорижий тажрибани умумлаштириш ва тарқатиш, халқаро тавсиялар асосида кўрсаткичларни ҳисоблаш методикаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва Давлат статистика қўмитасига тақдим этиш;

в) ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги статистик ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва эълон қилиш соҳасида:

Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, методологик ишлар режа-жадвалининг бажарилиши мониторингини таъминлаш;

Тошкент шаҳар бўйича, туманлар ва иқтисодиёт тармоқлари кесимидаги йиғма статистик ва иқтисодий-аналитик кўрсаткичларни тегишли тармоқ бўлимлари билан биргаликда тайёрлайди ва чиқаради;

статистик ҳисобот кўрсаткичларини тезкорлиги, ишончлилиги ва холислигини ҳамда статистик маълумотларнинг шаффофлиги ва очиқлигини кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурига мувофиқ статистик тўпламлар тайёрлайди ҳамда чоп этади;

хўжалик юритувчи субъектларга ишончли давлат статистика ҳисоботларини тақдим этишда ҳар томонлама кўмаклашишни таъминлаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш, статистик маълумотларни тақдим этиш соҳасида ҳуқуқий маданиятни ошириш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш;

туман статистика бўлимларининг хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида профилактика ишларини ташкил қилиш, ҳисобот ва ижро интизомини таъминлаш бўйича чораларни амалга ошириш, маъмурий амалиётни қўллаш борасидаги фаолияти мониторингини юритиш;

қонунчиликка мувофиқ, бўлим иш фаолиятида шаклланган архив ҳужжатларини жамлаш, сақлаш, ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш ишларини амалга ошириш.

тавсия этилган халқаро стандартлар асосида статистикада сифатни бошқариш тизимини жорий этиш ва ривожлантиришда иштирок этиш;

г) давлат органлари, юридик шахслар, халқаро ташкилотлар ва аҳолини белгиланган тартибда статистикага оид ахборотлар билан таъминлаш соҳасида:

миллий ва хорижий фойдаланувчиларнинг кенг оммаси учун статистикага оид кўрсаткичларни максимал даражада очиқ-ойдинлиги ва ошкоралигини таъминлаш;

миллий иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари ҳамда ҳудудларнинг ривожланишини ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш, ишлаб чиқишни модернизациялаш ва технологик қайта жиҳозлаш, хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш, Тошкент шаҳар ҳудудларини комплекс ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурнинг амалга оширилишини аҳоли турмуш даражасидаги сифат ўзгаришларини янада тўлиқ акс эттирадиган статистик ахборотларни тезкор ва сифатли тайёрлашни амалга оширади;

Тошкент шаҳар иқтисодиётининг ривожланиш ҳолати, иқтисодиётни ривожлантириш ва ислоҳ қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилиши ҳолати тўғрисида йиллик ва чораклик статистик ва таҳлилий маълумотлар тайёрлайди ва белгиланган тартибда тақдим этади;

статистик нашрларда статистик кўрсаткичларни визуаллаштиришнинг илғор усулларини жорий этиш йўли билан алоҳида статистика кўрсаткичлар тўғрисида аҳолини хабардор қилиш чораларини кўради;

шартнома асосида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда статистик, таҳлилий, ахборот ва давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастуридан ташқари бошқа хизматларни кўрсатади;

ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичларини фойдаланувчиларга сўров асосида тақдим этади.

7. Бўлим ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

ўз вазифа ва функцияларини самарали бажариш учун бошқарма тармоқ бўлимлари ва туман статистика бўлимлари билан ишларни ташкил қилади ва мувофиқлаштиради;

ўз ваколати доирасида бўлим ойлик, чораклик ва йиллик ижтимоий-иқтисодий ривожланиш натижалари бўйича статистик маълумотларни тайёрлашни таъминлайди, шунингдек фойдаланувчиларга белгиланган тартибда тақдим этади;

статистик, таҳлилий ва ташкилий ишларнинг бошқарманинг тармоқ бўлимлари томонидан ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назорат қилади;

статистикани истиқболли ривожлантириш бўйича таклифларни тайёрлайди, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурининг мазмунини доимий равишда такомиллаштириш, унинг Тошкент шаҳар

ва туманларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, таркибий ва бозор ислоҳотлари, иқтисодиёт тармоқлари ва секторларида ислоҳотларнинг боришини тавсифловчи тегишли мақсадли кўрсаткичлар билан ўзаро боғлиқлигини ошириш бўйича ишларни ташкил қилади;

давлат статистикасини ташкил этиш соҳасида қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш ва ҳужжат лойиҳаларини белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасига киритиш бўйича таклифларни тайёрлайди;

йиғма статистик маълумотларни тайёрлаш учун жадваллар макетини Давлат статистика қўмитаси билан келшган ҳолда тайёрлайди ва белгиланган тартибда бошқарманинг тармоқ бўлимларига тарқатади;

иқтисодиёт тармоқлари ва туманларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тендциялари сабаблари ва омилларини тавсифловчи таҳлилий маълумотларни тайёрлаш ишларини ташкил этади;

бошқарманинг расмий веб сайтидаги Тошкент шаҳарнинг ва туманларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тавсифловчи статистик кўрсаткичларни янгилаб боради;

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва бошқа давлат органлари учун ахборот ва статистик маълумотларни тайёрлаш ишларини ташкил этади;

статистик инструментарийни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш ҳамда сифатни бошқариш тизимини жорий этиш жараёнида бошқарманинг тармоқ бўлимларининг ўзаро ҳамкорлиги бўйича регламентлар ва тартибларни тайёрлашда таклифлар ишлаб чиқади ва тақдим этади;

Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурини бажариш мониторингини амалга оширади, унинг натижалари бўйича ҳар ойда бажарилган ишлар бўйича далолатнома тайёрлайди ва уни Давлат статистика қўмитасига тақдим этади;

ҳар ойда туман статистика бўлимлари томонидан давлат статистика ҳисоботларини тақдим этиш ва ҳуқуқбузарларга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга мувофиқ маъмурий чоралар қўллаш тартибига амал қилиниши юзасидан мониторинг қилади ва натижаларини умумлаштириб бошқарма ва давлат статистика қўмитасига тақдим этади;

статистика фаолиятини ташкил этиш масалалари бўйича туман статистика бўлимлари билан ҳамкорликни ташкил қилади, шу жумладан жойларга чиққан ҳолда туман статистика бўлимларининг ҳисобот ва ижро интизоми мониторингини амалга оширади;

зарур ҳолларда Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Тошкент шаҳар Кенгаши билан ҳамкорлик қилади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларини ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқилишини, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда мурожаат эгаларига жавоблар тайёрлайди;

туман статистика бўлимларига, бошқарманинг тармоқ бўлимлари ва манфаатдор фойдаланувчиларга статистик классификаторларни ўзлаштиришда методик ёрдам ва маслаҳат кўрсатади, уларни статистика амалиётига жорий этиш мониторингини юритади;

бошқарма ва туман статистика бўлимиларида статистика фаолиятини ташкил этиш масалалари бўйича белгиланган график асосида ташкил этилаётган мақсадли ва комплекс ўрганишларни амалга ошириш.

Бошқарма ўзига юклатилган бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

3-боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

бошқарманинг тармоқ ва туман статистика бўлимларидан ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур материаллар ва маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

йиғма маълумотларни тайёрлаш ва тарқатиш самарадорлигини ошириш бўйича бошқарма раҳбариятига таклифлар киритиш;

бошқарманинг тегишли тармоқ бўлимлари томонидан давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурига асосан тақдим этиладиган статистик маълумотларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини назорат қилиш;

йиғма маълумотларни тайёрлаш ва тарқатиш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш тақдим этиш ва ишларни олиб бориш;

бўлим давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурига мувофиқ статистик маълумотларни тайёрлаш муддатларига амал қилинишини назорат қилиш;

Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, бошқарма иш режасининг тузилиши ва мазмуни бўйича бошқарма раҳбариятига таклифлар киритиш;

бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича бошқарманинг тармоқ ва туман статистика бўлимлари билан ҳамкорлик қилиш.

9. Бўлим қуйидагилар учун жавобгар:

ўзига юкланган вазифаларни самарали ва лозим даражада бажариш;

ваколатига кирувчи таҳлилий ва бошқа материалларни юқори даражада тайёрлаш;

давлат статистикаси принципларига амал қилиш, илғор халқаро амалиётга мувофиқ фойдаланилаётган усуллар ва методикаларни доимий равишда такомиллаштириш;

Бўлим ходимлари томонидан белгиланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ижро интизомини таъминлаш.

4-боб. Бўлимнинг тузилмаси

10. Бўлимнинг тузилмаси ўз ичига Бўлим бошлиғи, бўлим бошлиғи ўринбосари, бош ва етакчи мутахассислар киради.

12. Бўлим бошлиғи, бўлим бошлиғи ўринбосари, бош ва етакчи мутахассислар бошқарма бошлиғи томонидан Давлат статистика қўмитаси билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

5-боб. Бўлимнинг фаолиятини ташкил этиш

13. Бўлимнинг иши Ўзбекистон Республикасининг "Давлат статистикаси тўғрисида"ги қонуни, бошқарма томонидан тасдиқланадиган Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, Тошкент шаҳар статистика бошқармаси тўғрисида Низом, мазкур Низом, Давлат статистика қўмитасининг буйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек Тошкент шаҳар статистика бошқармасининг иш режалари, бўлимнинг иш режаси ва бўлим ходимларининг функционал вазифалари асосида ташкил этилади.

бўлимнинг иш режаси бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланадиган бошқарманинг иш режалари асосида шакллантирилади ва бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари томонидан тасдиқланади.

ходимларнинг функционал вазифалари бўлим бошлиғи томонидан бўлимга юкланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда тайёрланади ва бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади.

14. Бўлим бошлиғи:

Бўлимга бевосита раҳбарликни амалга оширади ва мутахассисларнинг ишини ташкил қилади, бўлимга юкланган вазифа ва функцияларнинг лозим даражада бажарилиши, ижро ва меҳнат интизомининг ҳолати учун шахсан жавоб беради;

Бўлимнинг тасдиқланган тузилмаси ва штат жадвалига мувофиқ лавозимларга тавсия қилинган номзодлар, ходимларнинг касбий даражаси ва иш малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ва жазолаш чоралари

бўйича таклифларни пухта ишлаб чиқади ва бошқарма раҳбариятга кўриб чиқиш учун киритади;

Бўлимнинг иш режаси лойиҳасини ишлаб чиқади ва бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосарига тасдиқлаш учун киритади;

Бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

бошқарманинг йиғилишлари ва мажлисларида, шунингдек бошқарма раҳбариятининг топшириғига биноан бўлим тасарруфига кирувчи масалалар бўйича идораларарo ишчи гуруҳлар ва кенгашлар фаолиятида иштирок этади;

бошқарма бошлиғи ва унинг ўринбосарларининг топшириқларига мувофиқ таҳлилий ва умумлаштирувчи материалларни тайёрлайди, қўйилган вазифаларни янада самарали амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилишини таъминлайди;

туман статистика бўлимларида ҳисобот ва ижро интизоми ҳолатини жойларга чиққан ҳолда ўрганишни ташкил қилади, ўрганиш натижалари бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилишини ва бажарилишини мувофиқлаштиради;

бошқарманинг тармоқ ва туман статистика бўлимларининг маъмурий амалиётни қўллаш, профилактика ишлари, семинарлар, тажриба алмашиш, амалий ёрдам кўрсатиш учун жойларга чиқишни ташкил қилиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради ва мониторингини амалга оширади;

бўлим ишининг самарадорлиги даражасини ошириш ва кадрлар билан тўлдириш чораларини кўради;

бўлим кадрлари заҳирасини шакллантиришни ва янгилашни, кадрлар заҳирасига киритилган шахслар билан тизимли ишларни ташкил қилишни таъминлайди;

бўлим ходимлари билан юклатилган вазифалар, кирувчи ҳужжатларни назорат қилиш ва тажриба алмашиш масалалари юзасидан йўриқнома бериш бўйича йиғилишлар ўтказади;

ходимлар томонидан давлат ва тижорат сирига риоя қилинишини ҳамда бўлимга кирувчи материалларни ва бўлимдан чиқувчи материалларнинг нусхаларини сақланишини таъминлайди;

бўлим ваколатига кирувчи масалалар бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклда келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқилишини (зарур ҳолларда жисмоний шахслар

ва юридик шахсларнинг вакиллари иштирокида) ташкил қилади, уларда

кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича таклифлар тайёрлайди ва бошқарма раҳбариятига киритади;

бўлим бошлиғи вақтинчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини бўлим бошлиғининг ўринбосари бажаради.

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

15. Бўлим бошлиғи ўринбосари:

статистик кўрсаткичларни ишончлилиги, объективлиги, тўлиқлиги ва тизимлилигини таъминлашда иштирок этади;

кузатув шакллари ва йиғма таҳлилий жадваллар намунаси, кўрсаткичларни ҳисоблаш методикаси, маълумотларни қайта ишлаш бўйича дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш учун техник топшириқларни тайёрлаш, статистик инструментарийларни шакллантирилишини, бюллетенлар, тўпламлар, маърузалар ва иқтисодий ёзишма материаллар учун статистик маълумотлар тайёрланишини ташкил этади;

статистик кузатувларнинг электрон маълумотлар базаси сақланишини ва асосий статистик кўрсаткичлар бўйича динамик қаторлар юритади;

бўлим мутахассислари томонидан маълумотнома, таҳлилий, статистик ва бошқа материалларни, шунингдек бўлимга юкланган вазифалар бўйича қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини сифатли ва ўз вақтида тайёрланишини ташкил қилади;

бўлимга юкланган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда давлат статистика қўмитаси қарор ва буйруқларини амалга ошириш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ташкилий чора-тадбирлар ёки назорат режаларини тайёрлаш ва тасдиқлаш бўйича ишларни мувофиқлаштиради;

Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурида белгиланган ишлар ҳажмини баҳолаш учун зарур бўлган материалларни тайёрлайди;

туман статистика бўлимларида ҳисобот ва ижро интизоми ҳолатини жойларга чиққан ҳолда ўрганишни ташкил қилади, ўрганиш натижалари бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилишини ва бажарилишини мувофиқлаштиради;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

16. Бўлим бош мутахассиси:

функционал вазифаларига мувофиқ маълумотлар, материаллар, таклифлар ва ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари ва протокол топшириқларидан келиб чиқадиган давлат статистика органлари вазифаларини амалга ошириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

статистик ва таҳлилий маълумотларни тўплаш масалалари бўйича тармоқ ва туман статистика бўлимлари билан ҳамкорлик қилади;

шаҳар ҳокимлиги ва бошқарув органлари учун ахборот, статистик ва бошқа маълумотларни тайёрлаш ишларини ташкил қилади;

келиб тушган мурожаатлар билан ишлайди ва бўлим иш юритишида иштирок этади;

Тошкент шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг якунлари бўйича ахборот-таҳлилий маълумотларни тайёрлаш ишларини амалга оширади;

Бошқарманинг тармоқ бўлимлари томонидан тақдим этилган статистик маълумотларни таҳлил қилади ва умумлаштиради ҳамда зарур таҳлилий маълумотлар ва хулосалар тайёрлайди;

туман статистика бўлимлари фаолиятини комплекс ва мақсадли ўрганишларда иштирок этади;

бўлим бошлиғининг топшириғига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини, шу жумладан электрон шаклдаги мурожаатларни, кўриб чиқиш учун зарур материалларни тайёрлайди, уларда кўрсатилган масалаларни ҳал қилиш бўйича лойиҳани тайёрлайди;

раҳбариятнинг топшириқларига мувофиқ жорий ишларни бажаради;

вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

17. Бўлим етакчи мутахассислари:

функционал вазифаларига мувофиқ маълумотлар, материаллар, таклифлар ва ҳужжат лойиҳаларининг сифатли, ишончли ва ўз вақтида тайёрланиши учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, фармойишлари ва протокол топшириқларидан келиб чиқадиган давлат статистика органлари вазифаларини амалга ошириш бўйича бошқарма ва туман статистика бўлимларининг таклифларини умумлаштиришда иштирок этади;

Иш юритишни олиб боради, бўлимда ҳужжатларнинг ўтиш тартибини ташкил қилади, ҳужжатларни архивда сақлаш учун тайёрлаш ва ўз вақтида топширилишини таъминлайди.

бошқарманинг тармоқ ва туман статистика бўлимлари томонидан тақдим этилган ахборотларни ҳар томонлама таҳлил қилади, умумлаштиради ва зарур таҳлилий маълумотлар ҳамда хулосалар тайёрлайди;

ойлик, чораклик ва йиллик индикаторлар, тўпламлар учун макетлар тайёрлайди ва бошқарманинг тармоқ бўлимларига тарқатади ва умумлаштиради;

раҳбариятнинг топшириқларига мувофиқ жорий ишларни бажаради; вазифалар тақсимланишига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.